

**ЁШ БОКСЧИЛАРИМИЗ  
ОСИЁДА  
ЭНГ КУЧЛИ**

3-бет



**ҚОЗОҒИСТОН-БЕЛАРУСЬ  
МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ  
БОСҚИЧГА ЧИҚАДИ**

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТИ  
БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТДА БҮЛДИ

Икки Давлат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаев ва Александр Лукашенко Қозоғистон-Беларусь муносабатларининг асосий йұналишларини мұхокама қилиши.

Президентлар иккى мамлакат ўртасидаги савдо-иктиносидей соҳадаги ўзаро муносабатларнинг ижобий жүш-қинлигини мамнұннат билан қайд этдилар. Шунингдек, улар халқаро ва минтақавий күн тартибининг долзарб масалалары юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Евроосиё худудидаги интеграцион түзилмелар доирасидаги Қозоғистон ва Беларусь ўртасидаги ўзаро муносабатларга алохода эътибор қаратылди. Икки мамлакат иқтисодиёти бир-бирини тұлдыриши, қышлоқ хұжалиги, тұқымачилик, машинасозлик, озиқ-овқат саноати ва бошқа соҳаларда фойдаланылмаган катта имкониятлар мавжудлігі қайд этildи. Александр Лукашенко Беларусь Қозоғистон билан ҳамкорлікни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканligини таъқидлади. Құшма корхоналар ташкил этиш, савдо үйларини көнгайтириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш бүйічә ҳамкорлік қилиш масалалары мұхокама қилинді.

Сұхбат якунда Қасим-Жұмарт Тұқаев беларуслық ҳамкасбіни таваллуд куни билан самимий табриклади.

**ПРЕЗИДЕНТ ЯНГИ  
МУДОФАА ВАЗИРИНИ  
ТАЙИНЛАДИ**

Президент – Олий Қош Құмандон Қасим-Жұмарт Тұқаев Мудофаа вазиригін етаки таркиби билан ығилиштік тақызақиб, янги вазир – Мурат Бектановни таништириди.



Қ. Тұқаев маңыздырылғанда армия ҳар қандай ташқи таҳдидларни бартараф эта олиши ва давлатнинг хавф-сизлигини таъминлашға тай-еер түриши зарурлығини таъқидлади.

– Қоролли Күчлар жорық мұаммаларни ҳисобға олған қолда түрлі табиий ва техноген фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларига тай-еер түришлары зарур, – деди Қасим-Жұмарт Тұқаев. – Шунингдек, Аристадағы ва Жамбыл вилоятининг Байзак тұманиндағы фавқулодда қолатлар тақрорланылғанда керак.

Қ. Тұқаев ҳарбий қысмаларни тай-еерлаш, уларни ҳарбий техника билан таъминлаш, Мудофаа вазиригінің автоматлаштырыш ва рақамлаштырыш борасыда көнг қамровли ишлар олиб боришиши зарурлығини таъқидлади. Олий Қош Құмандон мамлакатнинг мудофаа қобилиятын күчайтириш, Қоролли Күчларнинг техник жиһозланишини такомиллаштыриш, ҳарбий хизматчиларни үқитиши ва малакасини ошириш юзасидан қатор топшириқлар береди.

Собиқ вазир Нурлан Ермекбаев Байзак тұманиндағы ҳарбий қысмадағы портлаш натижасыда ҳалок бүлгап ҳарбийларнинг оила аязоларидан кечірим сұрады.

**МАКТАБЛАР  
ЁПИЛМАСЛИГИ  
МУХИМ**

4-бет



**janubiy.kz**

# Жанубий Қозоғистон

1991 ыйл 5 апрелдан чиқа бошлаган

Сешанба, пайшанба ва шанба күнлари чиқади

2021 ыйл 2 сентябрь, пайшанба. №88 (2993).



**БАРҚАРОР  
ТАРАҚҚИЁТ  
ЙҰЛИГА  
ТУШДИК**

ҚР ПАРЛАМЕНТИ  
ПАЛАТАЛАРИННИҢ  
ЯЛПИ МАЖЛИСИДА  
ДАВЛАТ РАҲБАРИ  
ҚАСИМ-ЖҰМАРТ  
ТҰҚАЕВ ҚОЗОҒИСТОН  
ХАЛҚИГА НАВБАТДАГИ  
МАКТУБИНИ ЙҰЛЛАДИ

– Эгамен давлат бүлганимизга 30 ыйл тұлғапты. Қозоғистоннинг Тұнғич Президенти Элбошининг оқилюна сиёсати туфайли мұваффақиятли мамлакат сифатыда бутун жаһонға танилдик. Энг мұхим ютуғымыз – яхлит давлат бүліп янги мамлакатни ташкил этдік. Пойдеворимизни мустаҳкамлаб, белімиздің анча тикиб опдік. Халқаро ҳамжамиятнинг фаол аязосыға айландык. Күчли жамиятни шакллантириб, барқарор тараққиёттік қылышты топшириди.

Президент субсидиялаш тарти-

мустаҳкамлаш учун бир әл бүлиб мөхнат қиляпмиз, – деди Президент мажлиснинг очилишида.

"Халқ биrligи ва тизимили испол-хотлар – мамлакат тараққиётининг мустаҳкам асосы" Мактубида Президент мұтасадди вазириларға биологик хавфсизликпен башшорат қылышнинг миллій тизимини яратыш ҳамда миллій геологиялық хизметтің қылыш, хавфсиз экологиялық атом энергиясының имкониятларини тадқиқот қылышты топшириди.

Президент субсидиялаш тарти-

би аниқ ва шаффоф бўлиши керак-лигини таъқидлади.

Шунингдек, давлат раҳбари обикор деҳқончилик истиқболига тұхтады.

– Үтган ыйлар мобайнида мамлакатдагы сув муаммоси тұлық ҳал қылышнады. Шунинг учун бу муаммомың яқын 5 ыйлда ҳал қылыш көрек. Бұнинг учун юртимизде 9та ыйлар сув омбори қурилади, – деди у.

Президент Мактубининг тұлық нұхасы газетамизнинг көлгүсі сонда чөп этилади.



## МАКТАБЛАР ҚУЧОҚ ОЧДИ

Куни кече вилоятимздаги барча таълим мұассасаларыда янги ўқув ыйли бошланып, мактаб останасынан илк бор ҳатталаған болакайлар учун бириңчи күнгирақ жарапнама. Янги ўқув ыйлиниң бириңчи куни Туркистан шаҳрида табиатшыноспар мактаб-лицейнің олимпиада захираларини тай-еерлайдиган 28-сонли мактаб-лицейнің очилиш ма-росимы үтди.

“Үтэр” килич тұманиндағы 900 ўринли янги мактабнинг очилиш тантанасыда қатнашған Туркистан вилояті ҳокими Үмирзак Шүкенов туркестонлардың 1 сентябрь – Билимлар куни билан күттеді.

(Давоми 2-бетда). ▶

# МАКТАБЛАР ҚУЧОҚ ОЧДИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

– Давлатимизнинг келажаги билимли ёшлар кўлида. Янги мактаб остановини биринчи бор ҳатлаган сизлар яхши ўқиб, эл ишончини оқлаб, мамлакатимизнинг ватанпарвар фуқароси бўлишингларга ишончим комил.

Қўлингизга олган Алифбе китоби муборак бўлсин! – дея минтақа раҳбари янгидан бунёд этилган таълим муассасасини оралаб, ўқитувчilar фаолиятига муваффақият тилади.

Жорий йил Биринчи кўнгироқ тадбири эпидемиологик аҳвол туфайли фақат 1-синф ўқувчилари иштироқида ўтди. Янгидан қад ростлаган мактаблицией замонавий жиҳозланган, ўқувчиларнинг мукаммал илм эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, янги ўқув йилида Туркистон шаҳридаги 33та давлат, 10та хусусий мактабда 45248 ўқувчи таълим олади. Улардан 4221 ўқувчи 1-синфа ўқишига борди.

Вилоятимиздаги 927та кундузги

умумтаълим мактабида 500 мингдан зиёд ўқувчи анъанавий шаклда таълим олади. Барча таълим муассасалари санитария талабларига алоҳида эътибор қаратиб, зарур дезинфекция ускуналари билан таъминланган. Вилоядаги 84 минг нафарга яқин ўқитувчи ва 28 мингга яқин техник ходим 100 фоиз вакцина олиб улгурди.

Янги ўқув йилида вилоятда 50 мингга яқин бола биринчи синфа қабул қилинди.

## БЕШ МИНГДАН ЗИЁД БОШПАНА БЕРИЛАДИ

Туркистон шаҳрида йил охиригача 5 мингдан зиёд оила бошпанали бўлади. Маъмурий-тадбиркорлик марказида 7,9 ва 12 қаватли умумий майдони 350 минг кв.м.га тенг 82та уй-жой қурилиши давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилмоқда. 800га яқин квартира ипотека орқали ва навбатда турган оиласларга тақсимлаб берилмоқда. 12 қаватли 10та уй сентябрь, октябрь ойларида фойдаланишга топширилади.

Вилоят ҳокими Ў. Шўкеев раислигига ўтган ҳафталик девон мажлисида минтақа раҳбарига уй-жой масаласига оид ахборот берилди.

Туркистон шаҳри ҳокими Н. Турашбеков барпо этилаётган кўп қаватли уйлар ҳақида маълумот берди. Вилоят марказидаги 2 мингдан зиёд квартиralи 12 қаватли 29та уй сентябрь-ноябрь ойларида давлат комиссиясига топширилади. Қурилишларда мингдан зиёд ишчи тер тўкмоқда. Шаҳарда умумий сони 48та уй хусусий сармоядорлар ҳисобидан қад ростлади. 12 қаватли 6ta уй охиригача фойдаланишга топширилади. Етти қаватли 15ta уйнинг қурилиши жадал юритилмоқда. Шунингдек, 9 қаватли 5ta уй қурилиши янги йил бошида тўлиқ ниҳоясига етади.

Минтақа раҳбари вилоят марказида қад ростлаётган 20дан зиёд янги иншоотга оид сўнгги маълумотлар билан таниши. Мутасадди раҳбарларга қурилишларни ўз вақтида якунлашни топшириди.

## ИСИТИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Вилоят ҳокими Ўмирзак Шўкеевнинг раислигига ўтган ҳафталик девон мажлисида келгуси иситиш мавсумига тайёргарлик ишларининг бориши муҳокама қилинди. Бу муҳим масала – ҳозир алоҳида назорат остида. Иситиш мавсумига тайёргарлик бориши билан танишган вилоят ҳокими масъул раҳбарларга иш суръатини оширишни топшириди.

Туркистон вилоятида етти туман ва шаҳарда 11та марказлаштирилган иситиш қозонхоналари мавжуд. Минтақада 600га яқин кўп қаватли уй-жой бинолари ва 2,2 минга яқин бюджет муассасаси марказий иситиш тизимига уланган.

Бугунги кунда уларнинг 85 фоизи мавсумга тайёр. Қаттиқ ёнилғи билан таъминлаш ишлари ҳам амалга ошмоқда. Барча ишлар 1 сентябрьга қадар тўлиқ якунланади.

Шунингдек, Туркистон шаҳридаги янгидан барпо этилган уйлар учун 9ta қозонхона ўрнатилмоқда ва 1-, 2-кичик туманларда иситиш таъминоти тармоқларини янгилаш ишлари юритилмоқда.

Девон мажлисида вилоят минтақасидаги коронавирус инфекцияси ва санитария-эпидемиологик аҳвол ҳамда тезкор турӯхларнинг иш натижалари тўғрисида сўнгги маълумотлар ўртага ташланди. Туркистон вилояти беморлар сони бўйича “яшил худуд”да. Коронавирусдан согайганларнинг сони ортса ҳам, “жиловни бўшатиш”га ҳали эрта. Шу боис Ўмирзак Естайули коронавирусдан сақланиш учун карантин талабларига қатъий риоя қилиш зарурлиги ҳақида огоҳлантириди.

ҚР Парламенти Мажлисинг депутатлари Nur Otan партияси фракциясининг аъзолари Дархан Минбай ва Ержан Кудайберген Туркистон вилояти, Ўрдабоши туманига хизмат сафари билан боришиди. Депутатлар Бодом овулидаги замонавий ҳамда андазага мос, “Александровский сад” МЧБ рақамлаштирилган омборининг фаолияти билан танишиди. Учрашувда Ўрдабоши тумани ҳокими Бағлан Батиршаев, вилоят маслахати депутатлари ва маҳаллий тадбиркорлар иштирок этишиди.

“Александровский сад” МЧБ-нинг омборида мева-сабзавот ҳамда гўшт маҳсулотларини сақлаш учун барча имкониятлар мавжуд. Қурилиш якунланиш арафасида. Сентябрь ойида фойдаланишга топширилади. Корхона директори Бақтияр Тағаев омборнинг имкониятлари билан танишириб, минтақанинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида иш олиб борилаётганни маълум қилди. Унинг айтишича, бу ерга Голландия, Германия, Италия, Россия ва Венгрия давлатларидан илгор технологиялар олиб келинган. Омборда маҳсулотларни бир йилдан ортиқ сақлаш имконияти бор. Ушбу омборда Ўрдабоши туманини ривожлантириш йўналишидаги режалар ва лойиҳалар билан таниширилди. Халқ номзодлари туман фуқароларининг бандлигини таъминлаш, уларнинг маошларини вақтида бериш юзасидан тақлифларни илгари сурисди.

Биринчидан, Ўрдабоши тумани, Қизилсенгир овулида Бўрладай ўзанида сув омборини куриш тақлиф қилинди. Шу орқали киши ва эрта кўкламда сув тўплаб, ёзда Ўрдабоши, Ўтрор туманларидаги қатор аҳоли манзилларида обикор дехқончилик масаласини ҳал қилиш мумкин. Ўрдабоши туманларининг иккинчи илтимоси

17-31 август кунлари Бирлашган Араб Амирликлariнинг Дубай шаҳрида 18 давлат иштироқида боксдан ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати ўтди.

Унда Туркистон вилоят 5-сонли олимпиада захираларининг ихтинослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Сабирхан Тўрехан



## ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ – БОШ МАҚСАД

– Бўген сув омборини тозалаб, сифимлигини ортириш. Чунки, бу омбор анча йиллардан бўён тозаланмаган. Учинчи масала – туман ҳокимлиги ва тадбиркорлари индустривий минтақада сармоядорлар учун газ ва электр қуввати нархини пасайтириш, маҳсус подстанция қуриш.

Дархан Қамзабекули Сариоғоч-Шимкент-Туркистон сайёхлик йўналишига Ўрдабоши туманини ҳам киритиш зарурлигини айтди.

Nur Otan партиясининг “Ўзғаришлар йўли: ҳар бир фуқарога муносиб ҳаёт!” сайловолди дастурини амалга ошириш доирасида 1956 банддан иборат 1 вилоят, 3 шаҳар, 13 туман Йўл харитаси тасдиқланган.

Унинг ижроси Nur Otan партиясининг вилоят филиали ва фракциялари назоратига олинган.

## ЁШ БОКСЧИЛАРИМИЗ ОСИЁДА ЭНГ КУЧЛИ

ўсмирлар орасида 52 килограмм вазнда олтин медални кўлга киритди.

Абдикарим Абдигалим 57 кг. вазнда рингга кўтарилиб, голиб

бўлди. +92 кг. вазнда беллашган Сапарбай Даниял эса кумуш медалга эгалик қилди. Иқтидорли боксчимиз Гаухар Шайбекова ҳам иккинчи ўринни эгаллади.

Шундай қилиб, Дубайдага ўтган Осиё чемпионатида Туркистон вилоят 5-сонли олимпиада захираларининг ихтинослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан 4 нафар спортчи қатнашиб, 2 нафари олтин, 2 нафари эса кумуш медалини кўлга киритди.

Дубайдага ўтган қитъя чемпионатида Қозоғистон ёшлар терма жамоаси 8та олтин, 2та кумуш, 2та бронза медалини кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. 2-ўринни эса 3та олтин, 3та кумуш, битта бронза медалига эгалик қилган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси эгаллади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

# ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА – ИНСОН ТАҚДИРИ

NUR OTAN ПАРТИЯСИ ТҮЛӘБИЙ ТУМАН ФИЛИАЛИ ҲАР ОЙДА  
МУНТАЗАМ РАВИШДА ЖАМОАТ ҚАБУЛИНИ АНЪАНАГА АЙЛАНТИРГАН

Мулоқот замирида одамлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш, камчиликларини бартараф этиш, ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ инсонларни ҳимоялаш каби эзгу мақсад-муддадлар мүхассам.

Навбатдаги қабулни туман маслаҳати депутати Д. Айтбаев ҳамда мөъморчилик ва шаҳарсозлик бўлими раҳбари Г. Зиятова ўтказиши.

– Ҳар бир мурожаат ортида инсон турар экан, уларнинг таҳлилий кўрсаткичини жойлардаги ахволнинг ёрkin кўзгуси деб биламиз, – деди депутат. – Шунинг учун бу масалага масъулият билан ёндошмоқдамиз.

Қабулда К. Асанов имконияти чекланган жиянига ногиронлик гурухи ололмаётганини айтиб, арз қилди. Депутат унга тиббий кўриқдан ўтказишига ёрдам бериладиган маҳрум бўлиб қолганларини маълум қилиши. Тадбиркорлар М. Жараров, М. Ибраев, А. Асланов ва бошқаларга банкдан насия олиб, фаолиятларини кенгайтиришларига амалий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари белгиланди. Ишсиз Н. Есжановга ишга жойлашишида кўмак кўрсатила-диган бўлди.

Қозғистондаги етакчи партияга нажот излаб келганларнинг аксарияти аввал турил идораларга боришиган, бироқ улардан кониқарли жавоб олишомаган. Хусусан, Н. Сарибаев, П. Асанова, Н. Байзақов хўжаликлардан ўзларига тегишли ер пайини ажратиб беришга кўмак сўрашса,



А. Сарсенов ва Г. Асановалар давлат томонидан бериладиган имтиёзли нафақалардан маҳрум бўлиб қолганларини маълум қилиши. Бу камхарж оиласа ҳомийлар томонидан кўмак беришга келишилди. А. Дўйсемуратов эса бир гуруҳ кўшиллари билан маҳаллада электр чироги тез-тез ўчуб қолишидан шикоят қилиб келишибди.

Данияр Айтбаев ҳузурига кўмак сўраб келган фуқароларга қонун доирасида ёрдам беришга ҳаракат қилди. Баъзи масалаларни шу ернинг ўзида ҳал этиш имконияти бўлмаганини сабабли, бундай шикоятларни мутасадди идоралар раҳбарларига йўлларкан, мабодо, ижобий ҳал қилинмаса, Nur Otan партиясига қайта мурожаат қилишга ҳақли экани эслаштиди. Демак, мазкур партия ҳозир ҳақиқат изловчилар учун нажот қалъаси вазифасини ўтамоқда.

\*\*\*

Тўләбий туман маслаҳати котиби Н. Қўйбағаров, вилоят маслаҳати депутати F. Елшибай, Қўғали қишлоқ округи ҳокими Қ. Қипшақов ва жамоат фаоли R. Ашетаев, Диханкўл қишлоғи бийи A. Абдиҳалиқов учрашиб, долзарб муаммоларни муҳокама қилишибди. Учрашув давомида маслаҳат котиби қишлоқ бюджетини шакллантириш жараённи, маҳаллий ҳамжамиятлар йиғилишлари, уларнинг тегишили соҳадаги роли ва вазифалари ҳақида фикр алмашиши.

Б. ДЎСМАТОВА.

Тўләбий тумани тоғли ҳудудда жойлашганлиги сабабли олма боғини барпо этиш ўта қулай. Қасқасулик тадбиркор Ержан Жамбаев 19 гектар майдонга 4500 туп Алмати апортини ўстириши йўлга қўйган.

## ОЛМА БОҒЛАР КЎЗНИ ҚУВНАТАР



Илгари Алмати шаҳри дунёга апорти олмаси билан машҳур бўлган. Ҳиди хушбўй, мазали мевага талаб кундан-кунга ортмоқда. Тадбиркор олма боғини ўстириш учун давлатдан бериладиган ёрдамга суюниб, субсидия олган.

– Интенсив олма боғини парвариш қилиш учун дастлабки йили 7 гектарга 4,2 млн. тенге, келаси йилда 11 гектарга 7 млн. тенге субсидия олдим. Алмати апорти нави Қозғистон бренди бўлганини учун олманинг ушбу навини танланган эдим. Апорти мазали олма ва истеъмолчилари кўп. Лекин бу мевани парваришилаш осон эмас. Мевали дарахтни ўз вақтида дориламасанг, кўчатлар ўсмай қолиши мумкин.

У фақат 7 йилдан сўнг ҳосил беради, 12-13 йилдан кейин бир тупдан 700-800 килограммгача ҳосил олиш мумкин, – деди Е. Жамбаев.

Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.



## РЕСПУБЛИКАДА ЕТАКЧИ МИНТАҚА

Агросаноат мажмуаси – аҳолини ўта муҳим озиқ-овқат билан таъминлайдиган, шунингдек, экспорт салоҳиятига эга Туркистон вилоятининг асосий соҳасидир.

Минтақа қатор қишлоқ ҳўжалиги кўрсаткичлари бўйича республикада етакчи ўринда.

Ўтган 8 ой натижаларига кўра, соҳада 529,7 млрд. тенгелик маҳсулот етиширилган. Натижада республикадаги улуши 12 фоизга етиб, республикада 3-ўринни эгаллади.

Туркистон вилояти иқтисодиётининг асосий соҳаси – деҳқончиликдир. Сўнгги уч йилда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти 34 фоизга ошиди ва 1,1 триллиондан 1,5 триллионга етди. Ўсиш динамикаси бўйича вилоят республикада биринчи ўринда.

2020 йилдаги дунёвий пандемия жаҳон иқтисодиётига катта зарар етказди. Бироқ, вилоятда қурилиш ишлари суръати пасаймади. Сўнгги уч йилда қурилиш ишлари ҳажми иккى баравар ошиб, 300 миллиард тенгени ташкил этди. Ўсиш суръатлари бўйича ҳам минтақа мамлакатда пешқадам.

Республика бўйича йирик қорамоннинг 14,4 фоизи, қўй-эчкининг 23 фоизи, йилқининг 12,1 фоизи, таянинг 15,1 фоизи ва етиширилган гўштнинг 12 фоизи, сутнинг 12,5 фоизи минтақамиз улушида.

Йирик қорамол гўшти экспорти бўйича 1-ўриндамиз. Қишлоқ ҳўжалиги экинлари майдони ўтган йили 847,9 минг гектар эди. 131,6 гектар янги иссиқхоналар барпо этилиб, умумий майдони – 1246 гектарни ташкил этди. Иссиқхоналарнинг асосий қисми Сариоғоч, Келес, Ўрдабоши, Қазигурт туманлари улушида. Республикадаги иссиқхоналарнинг 67 фоизи вилоятимизда жойлашган. Томчилашиб сурғориш технологияси – 21,9 минг гектар, ёмғирлатиб сурғориш технологияси 2,2 минг гектарни ташкил қиласди.

Агросаноат мажмуасида меҳнат унумдорлигини 2,5 бараварга ошириш мақсадида "Бир майдондан йилига 2-3 ҳосил олиш" йўналишида 2 мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилиб, 262,5 минг тонна маҳсулот етиширилди.

Минтақавий алоқалар хизмати.

## «ДИПЛОМ БИЛАН – ҚИШЛОҚҚА!» ЛОЙИҲАСИ ДАВОМ ЭТЯПТИМИ?

Қозғистон Республикаси Тўнгич Президентининг топшириғига биноан 2009 йил 1 июлдан Қозғистонда қишлоқларнинг кадрлар заҳирадини мустаҳкамлашга қаратилган «Диплом билан – қишлоққа» давлат дастури ишга тушрилганди. Унинг доирасида қишлоқ аҳоли манзилларига ишлаш ва яшаш учун келган соғлини сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот, маданият, спорт ҳамда агросаноат мажмуаси соҳалари мутахассисларига ёрдам пули берилиб, уй-жой харид қилиш ёки қуриш учун ижтимоий қўллов кўрсатила бошлади.



– ҚР Ҳукуматининг 2009 йил 18 февралдаги 183-сонли қарорига биноан ушбу лойиҳа доирасида қишлоқ жойларида ишлаш ва яшаш учун келган ва уй-жой харид қилган мутахассисларга ойлик ҳисоб-кўрсаткичининг 70 баравари миқдорида нафақа тўлаш ва ўн беш йил муддатга 0,01% устама ҳақ билан уй харид қилишга ёки қуришга (1500 ойлик ҳисоб кўрсаткичидан кўп бўлмаган миқдорда) насиya

(2021 йил учун (ОҲҚ – 2917 тенге, 1500 ОҲҚ – 4 375 500 тенге) тўланади, – дейди Қозғистон миллий иқтисодиётти вазири Руслан Даленов.

Қишлоқдаги кадрлар масаласини ҳал қилиши мақсадида «Диплом билан – қишлоққа» лойиҳаси асосида қозғистонлик давлат хизматчиларини мамлакатнинг олис қишлоқларига юбориш ҳам режаланмоқда. Қоидаларга кўра, хужжатларни қа-

бул қилиш «Фуқаролар учун ҳукumat» электрон ҳукumat веб-портали орқали амалга оширилади.

– «Диплом билан – қишлоққа» лойиҳаси иштирокчиларнинг асосий масалаларини ҳал қиласди, бу уй-жой ва доимий иш ҳамда барқарорликни таъминлайди. Кўпгина мутахассислар ушбу дастурни эътиборсиз қолдирилар ва менимча, қишлоққа боришидан кўрқишининг ҳожати йўқ. Шаҳарда бундай имконият ва имтиёзларга эга ишни топа олмайсиз, – дейди лойиҳа иштирокчиси Абильхан Жунисов.

Шартнома доирасида дастур иштирокчиси қишлоқ ташкилотида камиди уч йил ишлаши шарт. Харид килинган уй-жой кредит учун гаров сифатида хизмат қиласди.

Дастур амалга оширила бошлаган давр мобайнида – 2009 йилдан эътиборан 60 мингдан зиёд мутахассис ўз ихтисослиги бўйича ишга жойлашди ва ўз уй-жойига эга бўлди. Қозғистон Республикаси Миллий иқтисодиёт вазирлигининг маълумотларига кўра, 2020 йилда 8,8 минг мутахассисга ойлик ҳисоб кўрсаткичининг 70 баравари (2021 йилда бу 204 190 тенгени ташкил этади) миқдорида бир марталик ёрдам пули тўланиб, 5 минг мутахассисга уй-жой берилди.

«Жанубий Қозғистон» мухбири.

## КУН ТАРТИБИДА - МИНТАҚАВИЙ БАРҚАРОРЛИК

**ҚОЗОГИСТОН – ЕВРОПА ИТТИФОҚИННИҢ  
МИНТАҚАВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ  
ТАЪМИНЛАШДА АСОСИЙ ҲАМКОРИДИР**



Бу ҳақда Европа Кенгаси раҳбари ўз Twitterига ёэди.

Унинг сўзларига кўра, терроризм ва гиёхванд моддаларнинг ноқонуний айланим таҳдидларига қарши кураш ва ноқонуний миграциянинг олдини олиш Европа Иттифоқи ва Қозогистоннинг муштарак устувор вазифаси ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиш, 26 август куни Европа томонининг ташаббуси билан Қозогистон Президенти Европа Кенгаси Президенти Шарль Мишель билан телефон орқали мулоқотда бўлди. Европа Кенгаси Европа Иттифоқининг энг ююри сиёсий органи бўлиб, Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарларидан иборат.

Қозогистон Бош вазирининг уринбосари – Ташки ишлар вазiri Мухтар Тлеуберди расмий ташриф билан Қозогистонга келган Ядро синовларини тўлиқ тақиқлаш шартномаси ташкилоти ижрочи котиби Роберт Флойд билан учрашди. Унинг бу вазифада иш бошлаганидан сўнг, Р. Флойдинг дастлабки хорижий сафари билди, дея ҳабар беради Қозогистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги матбуот хизмати.

М. Тлеуберди Қозогистоннинг ядрорий синовларни тақиқлаш тартибини кучайтириш сиёсатига қатъий риоя қилишини, ядрорий қуролдан холи миңтақани яратишга содиклигини ва ядрорий синовларни тўлиқ тақиқлаш тўғрисидаги шартнома тезда кучга киришини яна бир бор таъкидлади. Ижрочи котибнинг дастлабки расмий сафари Қозогистондан ва сабиқ Семей ядро полигони ёпилишининг 30 йиллиги арафасида бошланиши рамзий маънога эга. Бу, шунингдек, Халқаро ядрорий синовларга қарши кураш куни ва Марказий Осиёда ядро қуролидан холи миңтақа ташкил этилганининг 15 йиллигига бақамти келди.

Ўз навбатида, Р. Флойд Қозогистон томонига Ядро синовларини тўлиқ тақиқлаш тўғрисидаги ташкилот фаолиятини қўллаб-кувватлагани учун миннатдорчиллик билдирилар экан, Қозогистоннинг ядрорий қуролсизланиш соҳасидаги алоҳида



ролини қайд этиб, Шартномада иштирок этувчи давлатлар биргаликдаги саъӣ-ҳаракатлари билан ядрорий қуролсиз миңтақани барпо этиш мақсадига эриша олишига умид билдирилар.

Томонлар, шунингдек, ҳамкорликнинг долзарб масалаларини, хусусан, текшириш режимини кучайтириш, ядрорий синовлар ва жойида текширувлар мониторингининг халқаро тизими стансиялари тармоғининг фаолиятини таъминлаш масалаларини мухокама қилишиди.

Учрашув якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди, унда томонлар ядрорий қуролсизланиш ва оммавий кирғин қуролларни тарқатмаслик тарафдори эканликларини тасдиқладилар.

Шунингдек, у барча давлатларни ядрорий синовлар мораторийсига риоя қилишини давом этиришга, халқаро тинчлик ва ҳаффиизлилкни сақлашга қаратилган ядрорий синовларни тўлиқ тақиқлаш тўғрисидаги шартномани имзолаш ва ратификация қилишга даъват этид.

## ИШБИЛАРМОНЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

**QAZINDUSTRY БРАЗИЛИЯ МИЛЛИЙ САНОАТ  
КОНФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАДИ**



«Qazindustri» Қозогистон саноат ва экспорт маркази ҲЖ бошқаруви раиси Берик Бекенов ва Бразилия миллий саноат конфедерацияси (CNI) вице-президенти Ж. Гонсалвес Бразилия ва Қозогистон савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасида ҳамкорлик меморандумини имзоладилар. Бу ҳақда Қозогистон Индустря ва инфратузилмавий тараққиёт вазирлиги матбуот хизмати хабар берди.

Учрашув онлайн шаклида Қозогистоннинг Бразилиядаги элчихонаси ва Бразилиянинг Қозогистондаги элчиси Рубем Барбоса томонидан ташкил этилган. Томонлар ўзаро ҳамкорликнинг бир қанча йўналишларини, шу жумладан, ҳар бир мамлакатнинг хусусий шўйбаси билан маслаҳатлашувларни,

мамлакатлар ўртасидаги савдо ва сармояни ривожлантиришнинг устувор масалалари ва истикболларини аниқлаш, бизнес вакилларининг кўшма учрашувларини ташкил этиш, мамлакатларнинг ҳуқуқий муҳити ҳақида маълумот алмашиш, тадбиркорлик ва бошқа масалаларни мухокама қилдилар.

Учрашуда Берик Бекенов «QazIndustry» ҲЖ ва CNI ўртасидаги ҳамкорлик икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида бевосита ишбилармонлик алоқаларни кенгайтириш, кўшма корхоналарни кўпайтириш, Қозогистон ва Бразилия ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ривожланишига туртки берадиган мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлиш ҳажмининг амалий натижаларда намоён бўлишини таъкидлади.

## МАКТАБЛАР ЁПИЛМАСЛИГИ МУҲИМ

**ЖССТ ВА ЮНИСЕФ ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА  
МАКТАБЛАРНИ ЁПМАСЛИККА Даъват Этмоқда**

Мактабларнинг узлуксиз ишлаши ва хавфсиз ўқиш мухитини таъминлаш мақсадида ЖССТ, ЮНИСЕФ ва ЮНЕСКО Европа техник маслаҳат гуруҳи томонидан тайёрланган тавсияларни маъқуллади.

ЖССТнинг Европадаги миңтақавий бюроси ва БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) коронавирус пандемияси шароитида мактабларни ёпмасликка ва вирус тарқалишини камайтириш чораларини кўриш орқали мактаблардаги хавфсизликни таъминлашга чақириди.

Бу чоралар ўқитувчилар ва мактаблардаги бошқа ходимлар ҳамда аҳолининг заиф қатламишининг коронавирусга қарши эмланишини таъминлашни ўз ичига олади. Қайд этилишича, COVID-19 оғир кечиши мумкин бўлган, саломатлигига муаммолар мавжуд 12 ёшдан ошган болалар ҳам эмланиши лозим.

– Пандемия ҳали енгилмади, лекин болаларнинг ўқиши учун хавфсиз мухит-

ни таъминлаш устувор вазифамиз бўлиши керак. Фарзандларимизни имкониятлардан маҳрум қилишга ҳаққимиз йўқ. Барча мамлакатлар мактаблар ёпилишига йўл қўймасликка ҳамда мактабларда COVID-19 хавфини ва вирус тарқалишини камайтирадиган чоралар кўришга чақирамиз, – деди ЖССТнинг Европадаги миңтақавий директори Г. Клюе.

Мактабларнинг узлуксиз ишлаши ва хавфсиз ўқиш мухитини таъминлаш мақсадида ЖССТ, ЮНИСЕФ ва ЮНЕСКО Европа техник маслаҳат гуруҳи томонидан тайёрланган қуйидаги тавсияларини маъқуллади:

- Мактаблар ёпилишини энг сўнгги чорса сифатида кўриш: энг охирги навбатда мактаблар ёпилиши ва биринчи навбатда очилиши;
- тестлар ўтказиш бўйича дастурлар ижросини таъминлаш;
- хавфларни камайтиришнинг самаралиларини кўриш;



- болаларнинг руҳий ва ижтимоий фарононлиги ҳимоясини таъминлаш;
- оғир вазиятга тушиб қолган болалар ҳимоясини таъминлаш;
- мактаб мухитида ижобий ўзгаришларни таъминлаш;
- қарор қабул қилиш жараёнида бола-

лар ва ўсмирлар иштирокини таъминлаш;

- мактаб ёпилишининг олдини олиш учун эмлаш дастурлари ижросини таъминлаш.

Қозогистон ва жаҳон ахборот агентликлари маълумотлари асосида.

**Pfizer вакцинаси Қозогистонда вақтинча рўйхатдан ўтди.**

– 1998 йилда Шимкентнинг Ҳамза даҳасида Фарҳод ака ва Баҳор опа Абдусатторовлар хонадонида түғилдим. Илмфанга қизиқиш ота-боболаримдан ўтган бўлса, ажабмас. Абдусатторовлар сулоласидан таникли қозилар, диндор олимлар чиқсан. Амакиларимиз “Химфарм” заводида йирик цехларни бошқаришган. Отажоним ўз даврида 33-сонли мактабнинг энг намунали ўкувчиси бўлгани учун Шимкент шаҳридан фақат унгагина машхур “Артек” Бутуниттироқ пионер лагерига йўлланма беришган экан. Синглум Диёра ҳам ўша мактабнинг “Алтын белгі” соҳибаси, қозоқ ва рус тиллари бўйича олимпиадалар ғолибаси. Немис, инглиз тилларини М. Ауэзов номидаги ЖКДУда ўрганиб, малакасини Москва ва Туркияда ошироқмада.

Ушбу мактабнинг қўйи синфларида ўқиб юрганимда баҳоларим ниҳоятда паст эди. Мен расм чизишига, пластилиндан турли буюмлар ясашга қаттиқ қизиқардим. Синф раҳбарим бир куни отами чақириб, мендан шикоят қилди. Шу кундан эътиборан, отам ўқишимга жиддий эътибор қаратди. Ҳар куни мен билан дарс тайёрлар, уй вазифаларини эринмай текширади, китоб мутолаасига қизиқтиради. Қолаверса, рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Ирина Васильевна ҳам мени мафтункор адабиёт оламига олиб кирди. Узундан узун романларни худди видеофильм томошасидек, мароқ билан ниҳоятда қизиқарли тушунтиради. Мен тамомила ўзгардим. Китоб яқин дўстимга, чизмачилик ва геометрия эса севимли машгулотимга айланди. Информатика дарсидан графикани жони дилимдан яхши кўрдим.

– Демак, мактабдан бўлғуси меъморсозлик, шаҳарсозликка пойдевор тайёрланди...

– Мактабдан сўнг нуфузли касблар – иқтисодчи, хуқуқшунос ёки банкир бўламан, деб ҳаракат қилдим. Орзуларим орасида стоматология, фармацевтика ҳам бор эди... Ишонасизми, шаҳrimиздаги Тиббиёт академиясига қабул қилинди, 1 сентябрь куни ўқишига борсам, мен кирган рус гурухи тарқатиб юборилиди (2015 йил). Ҳужжатларимни олиб, М. Ауэзов номидаги ЖКДУга топширдим. У ерда Жаҳон иқтисодиёти ва молия институти (Россия) ваколатхонаси очилиб, талабалар масофадан ўқитилаётган эди. Хуллас, биринчи семестри Астрахандаги институтдан келиб, бизда дарс берадётган ўқитувчилар ёрдамида бир амаллаб битирдим. Иқтисодиёт факультетида ўқиш мен учун зерикарли, фақат мажбурият юзасиданги эди. Кейин бизни Астраханда ўқишига чақириши. Усиз ҳам олий математика фанидан ниҳоятда қўйналиб, ўқишиларими ўлда-жўлда ташлаб қўйган пайтим эди...

Оиласизнинг хусусий бизнеси бор. Даромадли иш. Лекин тайёр жойда, тайёр пулга эга бўлиши истамадим. Дўстларим ҳайрон, “Ўқиб нима қиласан, отамерос касбни эгалласанг бўлмайдими?”, дейишишарди. Аллоҳнинг иродасини қаранг, шундай тушкун ҳолатда ҳаётимда ижобий ўзгариш рўй берди. Бир устозим “Расм чизиши биласанми, архитектура факультетига кирмайсанми?”, деб қолди. Болаликдаги севган машгулотим учун жон-жон дея рози бўлдим. Мен шу тариқа ўзимнинг Аллоҳ инъом этган ички истеъдодимни топдим. Ҳа, мен учун университетта бориб, дастлабки билимларни эгаллаш шу қадар мароқли, шу қадар жозибали эдики, сўз билан ифодалаш қийин. Кўп асрлик сарой биноларидан тортиб, замонавий кўп қаватли иморатлар, кенг ҳудудлардаги салобатли осмонўпар иншоотлар, маҳобатли устунлар, қабартма тасвirlар, ҳашаматли пешайвонлар, безатилган композициялар, хуллас, кўз ўнгимда гавдаланади, илҳом, ижод ҳисси чулғаб олиб, хотиржам ухлай олмасдим.

Мендаги ўзгаришни кўрган отажоним университетга келди, марказий залда турган аълочи талабаларнинг илмий ишларини қўриб, “Шунақа ишлар сенда ҳам бўлмаса, хафа бўламан”, деди.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин, бугунги кунда у ерда менинг иккита лойиҳам, муаллифлик ишларим турибди, бошқаларга намуна қилиб кўрсатилиади.

# МАҚСАД ВА ШИЖОАТНИ ҮЙГУНЛАШТИРИШ САНЪАТИ СОҲИБИ

Суҳбатдошим ёш бўлишига қарамай, ҳалқаро лойиҳаларда қатнашиб, хорижда тажриба тўплаган меъмор.

Достон Абдусатторов ўз касбини шу қадар севадики, мурракаб геометрик шакллардан тортиб, бинони лойиҳалаштириш, оний ўзгарувчан чизмалар ҳосил қилиш, оғирлик кучларини ўлчаш, мувозанатни тасаввур қилиш, инфратузилма, муҳандислик тармоқлари, қўйингки, соҳанинг бутун икирчикирлари ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаганида, рости, қаламим ҳам ёзмай қолди. Жим тинглашга тушдим. Бир бино пойдерворини қуриш учун геофизикадан тортиб, тупроқ таркиби-ю, об-ҳаво, бетон маркасини ҳам ҳисоблаб чиқишини эринмай тушунтирганида, архитектор бўлиш учун қанчадан қанча дол зарб замонавий билимлар соҳиби бўлиш кераклигини яна бир карра ҳис қилдим.

Келинг, яхшиси ўзидан эштайлик.

– Талабалик йилларингизга тўхтасангиз, чунки бугун кўпчилиқда ҳозирги олий ўқув юртлари зарур билимни бермайди, ҳар ким малака-савияни мустақил ишлаб, ўрганади, деган фикр шаклланган.

– Бу талабага боғлиқ. Агар унда ўқиб ўрганишга иштиёқ кучли бўлса, излагаанинг албатта топади, барча қийинчиликларни енгади, мудаффиаият қозонади. 2-босқичда ўқиб юрганимда, назария билан амалиётни мудофиқлашириши ўйладим. Шаҳrimиздаги “Архпроект” компаниясига иш сўраб бордим. Фарруҳ ва Ислом акаларга шогирд тушшиб, иш ўргандим. Лекин уларнинг шахсий буюртмалари кўп бўлгани учун, мен билан ортича овора бўлишига вақтлари йўқ эди. Курсларга ёки хусусий мактабларга боришимни маслаҳат беришди. Университетимизнинг аълочи битирувчилари, шаҳrimиздаги таникли меъморлар Михайл ва Борислав мактабида ўқий бошладим. Улар интилишларимни қўриб, мен билан алоҳида шугулана бошлашди. Бошқалар 3-4 ойда тайёрлаб келадиган ишларни мен 1-2 ҳафтада бажаардим. Имкониятлари кўп бўлган компютер ёрдамида турли лойиҳа, режалар тайёрлардим. Илк вазифаларим – хусусий ўй-жойларни режалаштириш эди.

Маълумки, бугунги меъморчилик инновацияйи ва замонавий технология, андалардан иборат. У қурилиш деб аталмиш азим тармоқнинг бир қисми. Дейлиқ, катта савдо-машиш марказга ташриф буюрдингиз. Унинг ички мухити билан бир қаторда, ташки мухитидан ҳам кулаӣ, шинам шароитлар ташкиллаштирилиши керак. Масалан, энг оддийиси – бинонинг табиий ёритилиши. Ичкарига табиий ёргуларни кириб турса, қанча фойда. Бунинг учун чуқур муҳандислик билимлари зарур. Бугунги иншоотлар нафақат инсонларга хизмат кўрсатиши, балки шаҳар кўркига кўр ҳам қўшиши керак. Бу эса илгор анъаналар ва бадиий-эстетик дунёкашлар (шаҳарсозлик дизайнни) талаб этади. Ёки яна бир оддий мисол: гишт билан устун орасида боғланиш бўлмаса, бино қулаф тушади. Устун қанча оғирликини кўтара олади, бунини ҳисоб-китобини архитектор ишлаб чиқади. Қурилиш материалларининг сифатини ҳам назардан қочирмаслик мухим. Масалан, цементнинг сақлаш муддати ўтса, кучи янада пасяди. Хуллас, пойдервордан тортиб то энг юкори қаватгача бўлган оралиқ масофанинг бутун икирчикирни архитектор ҳисобга олади. Архитектурада шундай босқичлар бор: 1-босқич, энг оддий – ўй-жой ёки тижоравий ишшот лойиҳасини ясаш. 9-босқичда кичик шаҳарча (болалар боғчалари, мактаблар, касалхона, инфратузилма, сув тўғони, электростанцияси ва ҳоказо), 10-босқичда – осмонўпар кўп қаватли бино. Энг охирги 12-босқичда эса ҳеч ким кўрмаган, билмаган ноёб бино лойиҳасини яратиш лозим. Мен дастлабки босқичларнинг ҳаммасидан мудаффиаиятли ўтдим, кўнникма-билимларимни амалда синааб қўриш учун 3-курсада ҳам

ўқиб, ҳам мустақил ишлай бошладим. Яхши даромад топдим, билимларим мукаммаллашди. Ўқитувчилар мена талаба эмас, тайёр мутахассиси кўриб, барча дарслардан озод қилиши.

– Кимларни устоз деб биласиз?

– Энг аввало, отажонимни. Туғилган кунимга 350 минг тенгега ноутбук олиб берди, биринчи асбобимни, кейин курсларим, хусусий машқаримнинг ҳақини тўлади, хизмат сафарларим харажатларини кўтарди. Раҳматли бувижоним, таникли тиббиёт ходимаси Гулсара аянни (ўтган йили оламдан ўтди) ҳам айтиб ўтгим келади. Илк диний тарбия бериб, Ислом динини пухта ўрганишимга, ҳалол ишлашимга, илм-фанга меҳр кўйишимга эришди. Бугунги ҳалоскор-дуоғйларим – буважоним Абдужамил ота ва меҳрибон онамлар ҳам, албатта.

Олий ўқув юртидаги устозларимдан: муҳандислик, механика, муҳандислик графикадан дарс берган ўқитувчиларимдан бениҳоя розиман. Физика, химия, математикани уйғунлаштириб, бетон иншоотларнинг мураккаб ҳисоб-китобини чиқаришдан тортиб, барча қурилиш формулаларини ўргатишиди. Оддий қаламдаги чизмадан, рақамлаштирилган варианtgача етказишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бир устозимиз ўта қаттиқўл, чўрткесар, лекин жуда ҳалол эди. Унинг фанидан яхши баҳо олиш – бу осон эмасди. Қисқа муддат ичида лойиҳа ишмени бенуқсон бажариб, олдига кўйдим. “Сен бу ишни бажармагансан, сендан архитектор чиқмайди”, деб қайтариб юборди. Унинг ўқитиш услуби – хатони талабанинг ўзига топтириб, ўзи тузатишни истарди. Роса изладим, ҳеч камчилик тополмадим. Яна олдига бордим. Қўшимча топшириқ сўрадим. “Эртага олиб кел”, деди. Камида 1 ҳафта вақт талаб этадиган иш учун 1 кун жуда оз эди. Дўстларим ёрдамида лойиҳани тайёрлаб, олиб келдим. Барibir қабул қилимади.

Ўжарлик билан бошқаларни сўрашдан, тунни-кунни ишлашдан тўхтамадим. Рангимда ранг қолмади, тинка-мадорим қуриди...

Ниҳоят, босқичимиздаги гуруҳларнинг ҳаммаси йигилган аудиторияга мени ҳақириб қолишиди. Ўқитувчим мени ўртага чиқариб: “Мана бу ўзбек йигити, ҳеч нарсадан қайтмайдиган ўжар экан. Фанни ўқитувчилардан ҳам яхши билади. Таниб олинг, эртага у ҳаммангизни бошқаради”, деб обрўйимни кўкларга кўтарди... Шу куни шунақа енгилладимки, худди қамоқхонадан озодликка чиққандек эркинликни ҳис этдим.

– Энди фаолиятингиз кенгайиб, йирик лойиҳаларга ҳам кўл ура бошлашингиз...

– Ҳаммаси буортмага боғлиқ. Кичик лойиҳалар олди 50-100 минг тенге, катталари – 1 миллион тенге атрофида.

– Мазмунли сұхбатингиз учун раҳмат, ишларингизга омад, келажагингиз порлоқ бўлсун!

Н. МАВЛОНОВА.



топа бошладим. Москвадаги Илья Изотов мактабида (“Профессиональная визуализация”) масофадан ўқиб, барча замонавий дастурларни ўзлаштиридим. 6 ойлик курсни 2 ойда битиришга мудаффақ бўлдим. Илгари ҳаваскорлик ишларда банд бўлсам, энди жиддий лойиҳаларга буортма олардим. 20 ёшимда эришаётган мудаффақиятларимдан кўпчилик ёқасини ушларди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари уйи лойиҳасини тайёрлаш таклифи тушганда, рости, ўзим ҳам шошиб қолдим. “Shymkent City”, “GRAND ROYAL STROY”-нинг йирик ишларида қатнашдим. “Park residence” шаҳарчасидаги болалар майдончаси – муаллифлик ишим.

Жаҳон архитектураси ютуқлари ва янгиликларидан фойдаланган ҳолда, ҳалқаро бозорга чиқдим. Грузия, Германия, Россия ва Озарбайжондаги хусусий шахслар, компаниялардан мурожаат қила бошлашди. “ИП Абдусаттаров” номидан фрилансерлик фаолиятини йўлга кўйдим. Дубайга бориб, жаҳон меъморчилигини ўзгандим. Айни пайтда Алмати шаҳрида яшаб, таникли дизайнерлик компаниясида ишлайпман. Бу ерда Меъморчиллик академиясини тамомлаган истиқболли мутахассислар фаолият юритишади, рагобат кучли.

– Сизнинг ижодий ишларингизга яқиндан ёрдам бериб турадиган инсонлар борми?

– Университетдаги устозим Анвар Қодиров. Асли самарқандлик, Ўзбекистондаги таникли меъморлардан. Маълумки, бутун дунёда Самарқанд меъморчилиги жиддий тадқиқот қилинади, ноёб тарихий ёдгорликлар макони ҳисобланади. Қолаверса, Улуғ Ватан уруши йилларида Россия, Украина ва Беларуснинг архитектура-курилиши, бадиий рассомлик академияларини шу шаҳарга кўчириб келтиришган. Шундан бўлса керак, меъморчиллик қонқонига сингиб кетган, кекса устозимнинг. Мен унга қозоқ тили ва компютерни ўргатаман, у эса соҳанинг сир-асорларини. Хуллас, мени набирасидек яхши кўради. Вилоятдаги Ойша биби, Дўмалак она мақбаралари – унинг лойиҳалари. Санкт-Петербургда таҳсил олган қадрдан устозимдан ўрганадиганим ҳали кўп.

– Бугунги кунда архитекторлар қанча даромад топади?

– Ҳаммаси буортмага боғлиқ. Кичик лойиҳалар олди 50-100 минг тенге, катталари – 1 миллион тенге атрофида.

• Ҳоким бўл – халқингга  
яқин бўл!



## ТАКЛИФЛАРИМIZ ТЎЛИҚ АМАЛГА ОШМОҚДА

Туркистон шаҳрида ўсиб-улғайдим, унинг ҳар бир қарич ерини биламан, шаҳарни бошқарган барча ҳокимларнинг фаолияти билан яхши танишман. Вилоят маркази Туркистон шаҳрининг ҳозирги ҳокими Нурбўл Турашбеков ушбу масъулиятли лавозимга тайинлангандан бўён ижобий ўзгаришлар яқол сизилмоқда.



Хусусан, яқинда фаоллар билан учрашувда мен сўзга чиқиб, шаҳар ҳаётига оид қатор муаммолар юзасидан таклифларимни билдиридим. Яъни, шаҳар ободончилиги, тозалик, интизом ҳамда Аҳмад Яссавий мақбарасини қурдирган Амир Темир хотирасига эҳтиром масалаларига тўхтадим. Ҳоким сўзларимни дикқат билан тинглаб, мен тилга олган манзилларни ўзи шахсан бориб кўриши ва жойида ҳал қилишни айтди. Белгиланган куни шаҳардаги Талқонбоев номли кўчага келиб, мен кўтарган масала билан яқиндан танишиди. Шу жойнинг ўзида ташкилот раҳбарларини чақиришиб, ўринсиз автотураргоҳга айланган майдон масаласини ижобий ҳал қилди.

Сўнг, вилоят оқсоқоллар кенгashi раиси Жарилқасин Азиретбергенов ташаббуси билан очилган “Улес” хайрия вилоят жамоат жамғармаси раиси Райимжон Кўчкоров ва камина раҳбарлик қилаётган кам таъминланган оиласарга бепул озиқ-овқат, кийим-кечак тарқатадиган ижтимоий дўкон фаолияти билан танишиди. Хайрли ишларимиз учун миннатдорчилек билдириди. Дўконнинг ташки қисмини таъмиратлиб берди. Хуллас, айтмоқчиманки, шаҳар раҳбари биз аҳоли ва фаоллар тақлиф-мулоҳазаларини ўз вақтида инобатга олиб, амалга ошишига камарбаста бўлмоқда. Ҳар бир тақлифни ўрганиб чиқиб, мутасадди раҳбарлар ёрдамида уларни ҳал қилмоқда. Халқимизда “Ҳоким бўл – халқинга яқин бўл!” деган нақл бор. Халқига яқин Нурбўл Абдисаттарулига омад, саломатлик тилайман!

**Тўлқин САИДМУРОДОВ,  
вилоят оқсоқоллар кенгashi  
ҳайъати аъзоси.**

Тасвиirlарда: шаҳар ҳокими Н. Турашбеков; оқсоқоллар кенгashi аъзоси Т. Сайдмуродов.

**Рўзиохун ШОМИРЗА ўғли тасвиirlари.**



## САРТАРОШГА КИМЛАР БЎЙИН ЭГМАГАН...

Сартарошлиқ жуда қадимий касблардан бири. Масалан, қадимги Мисрда соч-соқол олиш учун маҳсус совун кўпиклари ишлатилган. У давларда сартарошлиқ ишларини шифокорлар бажаришган.

Замонавий сартарохоналар эса Юноностонда пайдо бўлган. У ерда одамлар соч-соқол олдиришдан ташқари янгиликлар ҳақида гаплашиб, ҳордиқ ҳам чиқаришар эди. Айнан шу даврда бундай муассасаларга кириш ҳуқуки фақат эркакларга берилган эди.

усталигини эшишиб, бошқа қишлоқлардан ҳам одамлар келиб турарди. Падари бузрукворим мени ҳам шогирд сифатида ёнида олиб юрган. Лекин касбга қизиқишм бўлмаганин сабабли, ишини давом эттиргмаганман. Фаҳрий ҳордиқа чиққач, отам уйда ўтиради. Маҳалла қўмитаси раиси сифатида чўмилиш ҳавзаси, масжид, пиёдалар йўлакчаси қурилиши, айниқса, қишлоғимизга табиий газ олиб келишда жонбозлик кўрсатиб, елиб-юргурди. Адамни нафақат сайрамликлар, балки, яқин олисдаги қишлоқларнинг одамлари,

унинг иккинчи пойини ўзимиз тозалашга мажбур бўлардик.

**Эркинбой Исмонов (ўғли):**

– Мен отамнинг касбини давом эттиряпман, хатна қиласман. У бирор кимсага фалон пул берасан, деган гапини эшифтмаганман. Авваллари хатна қилинадиган хонада отахонлар ўтиришарди. Бир уй одам олдида хатна қилиш катта масъулият юкларди. Иш бажарилгач, даврада патнис айлантирилиб, ҳамма унга ният қилган пулни ташларди, уста ҳақи, деб. Падари бузрукворим шунчалик беғубор одам эдики, шу пулдан отахонларга улашиб берарди. Жамоа хўжалиги даврида унга от беришиб, далаларни айланниб, текинга соч олар экан. Унга меҳнат куни ёзилиб, йил охирида ун, буғдой бериларкан. Бир куни маҳалламиздаги Тўламат ака даладан қайтаётib, адамга сочини олиб қўйишни илтимос қилган. Сув йўқлигини айтган отамга, Тўламат ака полиздан тулак олиб чиқиб берган экан. Шуни суви билан сочни ҳўллаб, олган экан.

**Жамшид Исмонов (набираси):**

– Мен бувамнинг яхши кўрган набираси бўлганим рост. Ҳаммага иш тақсимлаб бериб, мени ёнида олиб ўтиради. Дроздовнинг “Ҳайвонот олами” кўрсатувини биргаликда томоша қиласадик. Доим ёнида юрганим учун, мен ўзимни усиз тасаввур қилолмасдим. Шунинг учун ҳам сартарошлиқка қизиқсан бўлсам керак. Бувам ишлатган устара, қайроқ, камарларни кўз қорачигидек сақлаб қўйганман. Шу хунарни мукаммал ўрганишим учун у киши ўзи етаклаб Отабек



шаҳарликлар ҳам хурмат қилишарди, яхши танишарди. Тўй қилишга шароити бўлмаган, боласининг ёши улғайиб бораётганларнинг фарзандларини бир уйга тўплаб, бепул хатна қилган вақтлари ҳам кўп бўлган. У набираси



Жамшидин яхши кўрарди. “Сен менинг касбимни оласан, бармоқларинг шунга мос келади”, дерди. У ҳам бувасига ўхшаб тозалик-озодаликни яхши кўрарди, покиза кийиниб юради. Отам, айниқса, пойафзалини тоза тутарди. Биз ишдан кечикиб, чарчаб келиб, оёқ кийимларимизни тозаламай ухлаб қолганимизда, эрталаб ёстиғимизни ёнида бир пойи тозаланган пойафзалимиз турарди. Бу ҳам тарбияда, шунда биз

Мўминовга шогирдликка олиб борган. Устоздан касб сирларини ўргандим. Фотиҳасини олгач, бувам ишлаган, Бахтиёр Ризаметовнинг чойхонасида 20 йил ишладим. Бувамнинг соч-соқолини кўп олганман, улар у киши ҳақида фақат яхши фикрлар билдиришади.

**Хуршид Кўчкоров.**

# ЯНГИ ИҚОНДАГИ ЖОНКУЯРИМИЗ...



Қишлоқдаги Мирзо Улуғбек номли умумий ўрта мактабда узок йиллар самарави фаолият юритиб, нафақага чиққан Олим Қосим үғли (тасвирда) мана 30 йилдирки, "Жанубий Қозоғистон" газетаси билан холис ва теран ҳамкорликда. Ҳар ҳафта у рўзномани таҳририят мутасаддиларидан қабуллаб, сўнг муштариyllарга – мактаб, жамоатчи обуначиларимиз, масжид, турли ташкилотларга беминнат етказиб беради. Бу кўп йиллик ҳиммат – Олим Қосимовнинг ўзбек ҳалқининг заҳматкаш зиёли вакили сифатида она тилимиздаги ягона давлат нашрига хурмати-иззати ифодаси, таҳририята бераётган улкан ёрдами. Бу холис, маош тўланмайдиган ёрдами учун О. Қосимовга самимий ташаккуримизни изҳор этамиз ҳамда ҳимматларнинг энг улуғи толиби илмга кўрсатилган ҳиммат сифатида улкан савобга доҳил эканлигини таъкидлаймиз.

– Олим ака, жорий йил бошида, қиши фаслида Туркистондаги А. Навоий номли мактабда буюк Алишер Навоининг 580 йиллиги, ҚР Мустақиллигининг 30 йиллиги ҳамда "Жанубий Қозоғистон" газетасининг 30 йиллик юбилейи доирасида сермазмун, серфайз ўтган тадбирда ўзингиз ҳам хурматли устоз, азиз меҳмон сифатида қатнашдигиз. Вилоятимизда ягона А. Навоий ёдгорлиги мажмуаси пойига турли шаҳар-туманлардан ташриф буюрган республика, вилоят миқёсидаги таникли инсонлар сизлар билан бирга гулчамбарлар кўйиши.



– Тўғри, таассуротларимиз мўл. Алишер Навоий асос соглан ўзбек тилида чоп этилаётган "Жанубий Қозоғистон" газетасини нашр этилган пайтидан бошлиб ўқиётганимга 30 йил бўлди. Шу анжуманда қабул қилинган мурожаатнома асосида бизнинг Мирзо Улуғбек номли мактаб жамоаси обунада ибрат ва намуна. Дириектори Аблай Қурманбековга, устозлар жамоасига, кутубхона мудирасига ташаккур. Қишлоқ ҳокими Тоҳир Абдаев, ҳамкишоқларимиз Бобоҷон Ёқубов, Ўсар Нематуллаевлар жамоатчи обуначи сифатида намуна бўлишмоқда. Шу ишга ёшлар ҳам фидойилик кўрсатиб, сафимизга қўшилса, нур устига нур.

Мустақилликнинг дастлабки оғир йиллари саломги, Туркистон шаҳрининг 1500 йиллиги, шаҳар тўйига бағишлаб ташкил этилган ҳалқаро жамғармага барча қатори Ўзбекистондан санъат юлдузи Юлдуз Усмонова, Ғиёс Бойтоев, Илҳом Фармонов, Фарруҳ Зокировларнинг ҳисса қўшиб, хайрия концертлари ташкил этганлари, муштарак дўстликка кўшган ҳиссалари – ҳаммаси кўз ўнгимда. Барчасида иштирок этганиман. Дўстлик, тотувлик, тинчликка нима етсин. Қишлоғимиздаги этнослараро дўстлик, тотувликни тараннум этиувчи тадбирлар ҳам газетада узлуксиз ёритилади. Кўплашиб, даврани кенгроқ олиб, иш юритсан, яна ўша она тилимиздаги нашрларга ҳафсала эътибор қўлсан, намунали, ибратли иш бўларди.

ман ва миннатдорчилик билдираман. Вилоятдаги она тилимиздаги ягона расмий нашrimiz бўлган ушбу рўзноманинг ҳозирги адади бизнинг меҳнаткаш, зиёли ўзбек ҳалқининг нуғузига номувофиқ, унинг адади 50 мингдан зиёд бўлиши лозимлигини таъкидламоқчиман. Биз "Онгустик Қазақстан" газетаси иш таҳрибасидан ва ададидан ибрат олсан арзиди. Давлатимиз ойлик, пенсия, нафақаларни аҳолига ўз вақтида етарли миқдорда тўлаб келмоқда. Энг камтарона ҳисобларга кўра, ўзбеклар сони вилоятимизда бир неча юз мингдан зиёд кишини ташкил этади. Ҳалқимиз минбари, овози, кўзгуси бўлган она тилимиздаги нашрнинг адади ҳам аҳоли сонига мувофиқ бўлса. Олдимиздан оқсан сувнинг қадрига етиб, шукронга қўлсан ҳамда келгуси авлодларга шу маънавий нэйматни топшириб, улар шу анъанани давом этиришиш. Ҳазрат Яссавийнинг ҳикматлари ҳам асрлар оша бизларга қофзодаги нусхалари орқали етиб келган-ку демоқчиман.

#### – Муштариyllарга тилакларингиз.

– Барчага соғлик, оиласига хотиржамлик, ишларида зафар, ниятлари ушалишини тилайман. Эшик очсанг, ризқинг келар остононадан, Яхши бўлсанг, дўст топарсан бегонадан. Ҳар ким кўрар насибасин пешонадан, Эй яхшилар шукур қилинг, замонадан.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

#### ● Акс-садо

"Жанубий Қозоғистон" газетасининг жамоатчи мухбери Ойбек Нодирбековнинг 2021 йил 8 июль сонидаги "Кексаларнинг қалбини тингланг" мақоласини ўқиб, дилимдаги фикрларимизни қоғозга туширишга интилдим.

Мен 1938 йили 16 июнда Туркистон яқинидаги Ёйилма, ҳозирги Учқайик қишлоқ округида туғилдим. Жуфтни ҳалолим билан 57 йилу 4 ой умр сурдим. 2016 йили кампирим чин дунёга рихлат қилиди. Мен эса сўққабош, ёлғиз чоллар сафидаман. Худога шукур, уй-жой етарли, келин туширганман, ўғлим бор, кўевлар кўрдим. Кексалик гаштини сурмоқдаман. Ногиронман, бир оёғимда нуқсон бор. Мен ҳаётимдан ҳеч қачон нолимаганман. Фарзандларим, невараларим барчаси хурматим жойига кўяди. Улардан миннатдорман. 2004 йили инсульт олдим. Юрагим заифлашиди. Матбуотни кўп ўқишимнинг нафи тегди. "Шифо" журналини мутолаа қиласман. Шу ойномада Тибетнинг яшартирадиган гимнастика машқлари уч сонида чоп этилди. Ўшанда ахволим оғир эди. Ҳожатхонага боришига ҳам

## “КЕКСАЛАРНИНГ ҚАЛБИНИ ТИНГЛАНГ” МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

ярамай қолдим. Худо менга шу машқни қўллашга изн берди. Очигини айтсам, дастлабки биринчи ҳафтада қаттиқ қийналдим. Сабаби ҳар машқ қилганимда кўп балғам ташлайман. Бир ойдан сўнг балғам тўхтади. Нафас олишим ҳам меъёрига келди. Уч ой ўтгач, яна кўчага чиқиб юра бошладим. Машқни кечаси соат 4-5ларда бажараман, сўнг бомдод намозимни ўқийман. Соат 6 яримдан кўчада юришга ҳаракат қилдим. Маҳалламиз яқинида ўйингоҳ бор. Шу жойда тўхтаб, нафас ростлаб борадиган бўлдим. Кейин эса тўхтаб-масдан бориб келадиган бўлдим. Яратган Эгамга минг қатла шукур. Соғлигим яхши томонга ўзгарди.

"Жанубий Қозоғистон" газетасида Ойбек Нодирбеков умр йўлдошидан мосуво бўлган кексалар ҳақида ёзганларини қўллайман. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Маҳалламида бирга ўқиган тенгкур ошнам бор эди. Унинг ҳам умр йўлдоши вафот этган. Тақдир тақозоси билан ўрта

**Мақсад ФАЙБУЛЛАЕВ,**  
**Мехнат фахрийси.**  
Туркистон шаҳри.

## Анна Фёдоровна ШАЛЯ



2021 йилнинг 28 август куни минтақа жамоатчилиги, зиёлилар оғир жудолика учради. Улуг Ватан уруши фахрийси, Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳрининг фахрий фуқароси Анна Фёдоровна Шала 98 ёшида вафот этди.

Анна Фёдоровна 1923 йил 12 июнда Жанубий Қозоғистон вилояти, Арис тумани, Вревское кишлогида туғилган.

Улуг Ватан уруши фахрийси.

Меҳнат фаолиятини урушдан кейин Шимкент шаҳрида ўқитувчиликдан бошлаган.

Турли йилларда Шимкент шаҳар партия қўмитаси котибаси, вилоят ижроя қўмитаси раисининг ўринбосари вазифаларида меҳнат қилди.

Нафақа ёшида ҳам минтақани ривожлантириш тадбирларида фаол қатнашиб, ёш авлодга ибрат кўрсатди.

Улуг Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати ва Мустақил Қозоғистонни тараққий этириш йўлидаги хизматлари учун Улуг Ватан урушининг II даражали "Хурмат белгиси" ордени, "Ереқ енбеги", "Шапағат" медаллари, 1943 йилда "Жасорати учун", 1945 йилда эса "Қизил юлдуз" ордени билан тақдирланган.

Анна Фёдоровнанинг вафоти тўғрисидаги хабар барчамизни чуқур қайғуга солди. Улуг Ватан урушидаги жасорати, ҳаёт ўйли элизимиз тархи билан боғлиқ, этиромга лойиқ эди.

У ҳаётининг сўнги дамларигача жамоат ишларида фаол бўлди.

Анна Фёдоровна самимий, маданиятли инсон сифатида мангу хотиралигизга яшайди.

Анна Фёдоровна Шалянинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари, қариндош-уруглари, вилоят аҳлига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қиласми.

**Ү. ШУКЕЕВ, Қ. БАЛАБИЕВ, А. ЖЕТПИСБАЕВ,  
А. ТУРГИМБЕКОВ, А. САБИТОВ, У. ТАЖИБАЕВ,  
С. ҚАЛҚАМАНОВ, Р. АЮПОВ, Б. ТАЖИБАЕВ,  
Ш. ЖАМАЛБЕКОВ, Ж. МАУЛЕНҚУЛОВ.**

#### ● Акс-садо

## ЭССИЗ УМР...

Мунира Саъдуллаеванинг "Сени соғинмайман болалигим" мақоласини ўқиб, руҳим тушкунликка тушди. Беихтиёр мақолага муносабат билдиригим келди.

Агар инсоф билан ўйлаб кўрсак, Диёрининг ўзгалар томонидан хўрланишига ким сабаби? Ота-онаси, қолаверса, қизнинг ўзи эмасми? Умрида қўлига китоб ушламаган одамда фаҳмфаросат ҳам бўлмайди-да.

Онага фарзанд керак эмаслиги учун қамоқдаги эрини кутмасдан бошқа билан турмуш қилиб кетган. Отаси қамоқдан келгач, қиз "мен уйда ёлғиз яшай олмайман", деган сабаб билан тоғаларининг ўйларига кетгани дуруст бўларди. Ароқхўр ота билан бахтсиз ҳодиса рўй бергач, бахти очилиб, бир уйнинг бекаси бўлибди. Нима учун энди эрига билдиримай, Нур-Султан шаҳрига кетади? Бу хиёнат, эрни менсимаслик эмасми?

Жазоси – Севарадек маккор аёлнинг тузогига тушди.

Агар китоб мутолаасига берилган, яхши-ёмонни фарқлай оладиган бўлганида эди, ҳақиқатни дарҳол англаб оларди.

Севара жамият учун хавфли одам, жазога лойиқ. Акс ҳолда, содда қизларни лаққа тушириб, хонавайрон қиласверади. У қонун олдида жавоб бериши керак.

Энди Диёрининг кейинги ҳаётни нима бўлади? Эссиз умр...

**С. ТУРСУМЕТОВА,  
жамоатчи мухбир.**

Туркистон вилоятининг "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти ва Янги Иқон қишлоғидаги Улугбек номли умумий ўрта мактаб жамоаси кутубхона мудираси Аяжон Исмоиловага укаси

#### РАВШАНБЕК ота-

нинг оламдан ўтганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

"Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти ва Янги Иқон қишлоғидаги Улугбек номли умумий ўрта мактаб жамоаси кутубхона мудираси Аяжон Исмоиловага укаси

#### Абдуғаффор АБДИХОН ўғли-

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Ўранғай қишлоқ округи ҳокимлигиги, жамоат ташкилотлари ҳокимликтининг ижтимоий мутахассиси Гулзина Искандер қизи Қадироғавага волидан муҳтарамаси, пири бадавлат онахон

#### Минавар ҚАДИРОВА-

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

**Аллоҳ марҳумларни ўз раҳматига олган бўлсин.**



Академик, тиббиёт фанлари доктори, профессор, илмий жарроҳилик марказини яратиб жуда кўплаб шогирдлар тайёрлаган Восит Воҳидов 1917 йили Туркистон яқинидаги Чоға қишлоғида (ҳозир бу жой "Бершінгебе" дейилади) дехқон Абдувоҳид Холметов хонадонида дунёга келган кенжга чақалоққа Восит деб исм қўйишиди.

Ушбу хонадонда 9 фарзанд тарбияланган. Хонадон соҳибаси Ҳожар ая болалар тарбияси билан машғул бўлган. Үқишга, илм олишга чанқоқ бўлган Восит Тошкентда олий тиббий билим олиб, танлаган соҳасининг илмий жарроҳилик йўналишида юксак натижаларга эришиди. Ўзбекистонда Москва, Киев каби шаҳарлардаги каби жарроҳилик марказлари яратиш гоёси, амалиёти ҳамда фаолияти ҳам Восит Воҳидовга тегишли. У яратган илмий марказда кўплаб туркистонликлар даволанган. Академик B. Воҳидов Тошкент шаҳрида илк бор кўкрак хирургияси марказини яратиб, Совет Иттифоқида, хусусан, қўшини Қозогистон ва Қирғизистон шифор-олимлари билан ҳамкорлик қилди. Қозогистонда илк илмий жарроҳилик марказини яратган академик олим Мухтар Алиев билан яхши муносабатларда эди.

**Академик M. Алиев 1933 йили Қизилурда вилоятида таваллуд топган. Дастрлаб Туркистондағи педагогика билим юртида, сўнг Алмати тиббиёт институтидаги таҳсил олган. 1982-1987 йилларда Қозогистон соғлигини сақлаша вазири сифатида самарали меҳнат қилган. Алмати шаҳрида илк бор инсон ички орғанлари трансплантациясини мувваффақиятли амалга оширган машҳур олим.**

1994 йили 77 ёшида оламдан ўтган олим B. Воҳидов хотирасини абдайлаштириш мақсадида номи ўзи яратган жарроҳилик марказига берилади. Ҳамқишлоқлари, хусусан, Чоғадаги умумий ўрта мактаб жамоаси унинг хотирасини абдайлаштириш мақсадида номини мактабга беришини таклиф қилдilar.

Мен асосий фаолиятим – муҳбирлик билан биргаликда Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раҳбари сифатида мана шу эзгу ишга жиддий киришиб, жуда кўп ташкилот раҳбарлари, хусусан, ўша кезлардаги вилоят ҳокимининг ўринбосари Дархан Минбай, Тошкентдаги B. Воҳидов номидаги илмий жар-

# ИБРАТЛИ УМР, САОДАТЛИ ИЗ

**ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ ИҚТИДОРЛИ  
ЖАРРОҲ, ОЛИМ, ТУРКИСТОНЛИК АКАДЕМИК  
ВОСИТ ВОҲИД ЎГЛИ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР**

роҳилик маркази маъмурияти ва олимнинг оиласига мурожат қилганимиз. Мактабнинг шу вақтдаги директори Зиёвиддин Мирзаев мана шу ишнинг бошидан охиригача биз билан бирга бўлди. Албатта, мактабга академик B. Воҳидов номини бериш осон кечмади. Вилоят ҳокимлиги кошидаги ономастика комиссияси котибасининг менга берган маслаҳати иш берди. Яъни, агар академик B. Воҳидов номини мактабга бериш борасида қозогистонлик улкан, элга таникли ҳамкасларидан бири тавсиянома берса, масала ижобий ҳал бўлиши мумкин экан...

... 2000 йилнинг 19 октябрида Туркистон шаҳрининг 1500 йиллиги ҳалқаро миқёсда нишонланди. Шаҳарга жуда кўп давлат араблари, олимлар, зиёлилар ташриф буюришиди. Тушлик чоғи эди. "Давлат" тўйхонасида ОАВ вакиллари учун тайёрланган тушлиқдан сўнг ҳамкаслар билан Есимхан майдонига бордик. Шаҳар юбилейига махсус қурилган муҳташам "Туркистон" меҳмонхонаси даҳлизида машхур олим – академик Мухтар Алиевни кўриб қолдим. У чор атрофни томоша қилиб турган экан. Бундай имкониятни бой бериб қўймаслик учун (саноқли дақиқалардан сўнг M. Алиев меҳмонхонадан чиқиб келаётган мартабали меҳмонлар сафиға қўшилиши аниқ эди) мақсадимга киришдим.

– Ассалому алейкум ҳурматли Мухтар оға, Туркистоннинг табаруқ тўйи кутлуғ бўлсин...

– Раҳмат.

– Сиз жарроҳлик соҳасида машхур олим – ўзбекистонлик ҳамкасловингиз, академик Восит Воҳидов ҳақида эшитгандирсиз...

– Албатта, уни яхши биламан, ҳурмат қиламан.

– Шу инсоннинг хотирасини абдайлаштириш мақсадида ўзи туғилган қишлоғидаги мактабга унинг номини бермоқчи эдик...

– Бу ҳаракатни кўплаб-кувватлайман.

– Лекин бунинг учун сиз каби таникли олим ҳамкаслари тавсия ёзуб беришлари зарур экан.

– Мен тавсия ёзуб беришига тайёрман, – деди M. Алиев ва визитасини узатди.

Қисқа мулоқотимиздан сўнг M. Алиев делегация билан бирга мақбара томон йўл олди. Орадан бир неча кунлар ўтгач, мактаб директори Зиёвиддин Мирзаев билан Алматига – академик Мухтар Алиев раҳбарлик қилаётган Сизғанов номидаги Республика илмий жарроҳилик марказига бордик. Бунгача эса кўп марта унинг қабулхонасига қўнғироқ қилиб, академик M. Алиевнинг қабул куни, вақтикоатини аниқлаб, шунга мувофиқ иш тутдик. M. Алиевнинг қабулига кириш осон эмас эди. Унинг қабулхонаси доим олим, шифокорлар билан гавжум эди. Тошкентдаги академик B. Воҳидов номидаги

илмий жарроҳилик марказидан олган тавсия – расмий мактубимиз кўл келиб, бизни тушга яқин, "бир неча дақиқа вақт етади" шарти билан киритишди. Савлат тўкиб ўтирган M. Алиевнинг кўксидаги "Халқ қаҳрамони" ордени ярақлаб турарди. Вақт ўта зикр. Муҳтар оғага академик B. Воҳидовнинг умр йўлдоши ёзуб берган мактуб ҳамда ўзбекистонлик B. Воҳидов, қирғизистонлик жарроҳ олим ҳамда Мухтар Алиевлар ёшлигига бирга тушган фотосуратни ҳам қўшиб узатдим. Табиатан камгап M. Алиев барча мактуб ва суратларни дикъат билан кўриб чиққача, улкан жимжимдор авторучкасини кўлига олиб бирдан менга юзланди. Чамаси ҳужжатга имзо чекмоқчи эди.

– Қани, олиб кел, қоғозларининг...

– Мен тавсия шу ерда ёзилади, деб ўйлагандим. Шошганимдан вилоят маслаҳати депутати Сайлаубек Шалқаров ҳамда шаҳар маслаҳати депутати Қаҳрамон Кўчкоровлар имзолаган, ярим саҳифа ҳажмида ёзилиб ономастика комиссиясига йўлланган мактубни олимнинг олдига кўйдим.

– Мана шу ҳужжат бўлармикан?

Академик M. Алиев ҳалиги қоғозга қалин сиёҳли авторучкаси билан вақақнинг бор бўйича улкан ҳарфлар билан "Академик Мухтар Алиев" деб ёзил, имзо чекди.

... Алматидан Шимкента поездда етиб келдик. Ҳушхабарни вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Икром Ҳошимжоновга етказдик.

Вилоят ҳокими ўринбосари кабинетига кўтарилидик. Дархан Минбай, одатдагидек, самимий қарши олди. Унга академик Мухтар Алиев имзолаган тавсияномани топширдик. Ҳужжат билан танишган D. Минбай:

– Бўлди, бугундан эътиборан мактабларингизнинг номи академик Восит Воҳидов номида бўлади. Мактабингизнинг битириувчи ёшлари орасида мана шундай ҳалқаро даражада танилган, элга юрта садоқат билан хизмат қилган академиклар кўпайсин, – деди самимият билан.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**P.S.** ҚР Мустақиллиги 30 йиллиги доирасида шоҳири тарихимиз, илм ва билим салтанати, Туркистон заминидан чиққан, жаҳонга танилган академик Восит Воҳидов ҳаётни ва фаолияти билан таништириш, Қозогистон ва Ўзбекистон олижонага яқиллиги, ўзаро ҳурмати орқали бугунги ёш авлодга ўнрак этиб кўрсатиш ҳамда уларни мукаммал билан олишга ундаш эди. Чоға қишлоғидаги академик B. Воҳидов номли мактаб жамоаси, ўкувчилари, ота-оналари ўзларининг ҳамқишлоқлари билан ҳақли равишда фахрланиши арзиди.



## СЕРФАРЗАНД ОИЛАЛАРГА ЁРДАМ

Билимлар куни арафасида Туркистон шаҳридаги Ўқувчилар саройида "Муруват" хайрия тадбири ўтиб, унда кам таъминланган серфарзанд оилаларнинг болаларига мoddий ёрдам кўрсатилди.

Акция доирасида Ўқувчилар саройи жамоаси мактаб анжомларини тайёрлаб, болаларга тарқатишиди. Шу тарика шаҳардаги 100 оиласга ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Тадбирда иштирок этган вилоят инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси раҳбари Р. Жўлаев болаларни янги ўқув йили билан кутлаб, эзгу тилакларини билдириди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

### ● 1 сентябрь – Билимлар куни

## ҚАЛБЛАРДА БАЙРАМ СУРУРИ

Вилоят маркази Туркистон шаҳрида 43та умумий ўрта мактаб, жумладан, 10та хусусий мактаб 1 сентябрь куни ўқувчиларни бағрига олади. Илк бор бинринчи синфга қадам кўйган 4616 ўқувчи учун бу кун – том маънода, билимлар байрамидир. Таҳририятнинг Туркистон ва Кентов (Саврон тумани) бўлими янги ўқув йилига тайёрларлик доирасида вилоят ва шаҳар маслаҳатлари депутатларига бир неча мактабда режаланган қурилишлар юзасидан мурожаат қилди.

Шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов билан бамаслаҳат ҳолда, бинринчи синф ўқувчиларини "Алифбе" китоблари билан таъминлаш хусусида мутасадди ташкилотлар раҳбарларига мурожаат қилинди. Ҳали тўлиқ ҳал бўлмаган ўзбек тили ва адабиёти фани олимпиадаси масаласи ўтган ўқув йилидагидек мавҳум аҳволга дучор бўлмаслиги учун бугундан бошлаб шаҳар, вилоят, республика доирасидаги мутасадди раҳбарларга, турли даражадаги – шаҳар, туман, вилоят ҳамда Парламент депутатларига, ҚР Таълим ва фан вазирлигига, вазирлик қошидаги касаба ушумларни кўмитасига мурожаат қилиш мухимлиги айтилди.

Ўз навбатида, вилоятимиз шаҳар, туманлари, хусусан, туркий оламнинг маънавий пойтахти Туркистон шаҳри аҳолисига мурожаат қиласиз. Биз бугунги ўзбек ҳалқи зиёли вакиллари туркийлар муштарак маданияти, маърифати доирасида ўзбек тили тақдирни учун масъулмиз. Давлатимиз биз ўзбек ҳалқи учун ўзбек тилида таълим берадиган умумий ўрта мактабларни очиб, барча шаҳоритларни яратиб берган экан, бу бекиёс имкониятдан фойдаланиб, ўзбек мактабларида ўқувчилар давлат тили – қозоқ тили, миллатлараро тил – рус тили, хорижий шу жумладан, инглиз тили билан бирга ўз она тили – ўзбек тилини ҳам мукаммал ўрганишдек имкониятга эга бўлади. Бу мурожаатимиз Туркистондаги бошқа тилда таълим берадиган умумий ўрта мактабларга фарзандларини етаклаб бораётган ота-оналарга тааллуқли.

**М. АЛИ.**

Директор-Бош муҳаррир – Алишер Соғуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.  
Тұлебий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.  
Қазигурт – Хуршид КЎЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.  
Сайрам – Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.  
Тулкибош – Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.  
Обуна, реклама ва эълонлар – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозогистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилоятини ҳокимлиги.

Мулк эгаси – "Жанубий Қозогистон" вилоят ижтимоий-сийёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-йй, 4-кават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва аҳборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 априлда рўйхатга олинни, KZ34VRU00022503 гувоннома берилган.

Буортма:  
2264.

Нашр кўрсаткичи – 65466.  
Адади – 11810 нусха.

Бош муҳаррир  
Ўрбинбосарлари:  
**Муроджон АБУБАКИРОВ.**  
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба –  
Шаҳноза УСМОНОВА.

"ERNUR-print" МЧБ босмахонасида чоп этилди.  
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.